

## **Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1008-ҳадис**

1008 - وَعَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «حَيْكُمْ مَنْ تَعْلَمَ الْقُرْآنَ وَعَلِمَهُ». رَوَاهُ البُخَارِيُّ [5027].

1008. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Энг яхшингиз Қуръонни ўргангандан уни ўргатган кишидир», дедилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Қуръони Каримни ёд олиш, уни қалбига жо қилиш фазилатлари түғрисида оятлар ва кўп ҳадислар ворид бўлган.

Аллоҳ таоло айтади:

«У (яъни Қуръон) илм ато этилган зотларнинг қалбларида (ёд бўлувчи) аник-равшан оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қиласди» (Анкабут сураси, 49-оят).

«Биз Қуръонни зикр-эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма-ибрат оловчи борми?» (Қамар сураси, 17, 22, 32, 40-оят).

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганларини ривоят қиласди: «Қуръонни ўрганиб, сўнг уни (бошқаларга) ўргатганлар сизларнинг яхшиларингиз». Саъд ибн Убайдади: «Абу Абдураҳмон Усмон халифалиги давридан Ҳажжож ҳукмронлигигача Қуръонни таълим берган. У: «Мана шу ҳадис мени бу ерга ўтиришимга сабабчи бўлган», деган» (Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Доримий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ва Табароний ривояти).

Демак, Қуръонни ўрганиш, яъни ёд олиш ва уни ўзгаларга таълим бериш бандани мўминлар орасидаги энг яхшиси бўлиши учун сабаб бўлар экан.

Қуръон илми илмлар ичида энг шарафлисиdir. Уни ўрганган ва ўргатганлар бошқа илмларни ўрганиб, уни ўзгаларга таълим берганлардан кўра шарафлироқ бўлиши шубҳасиз.

Банда Қуръонни ўрганиши бир фазилат бўлса, уни бошқаларга таълим бериши фазилат устига фазилатдир. Ким шу икки сифатни ўзида жам қилса, ўша banda уммат ичида энг яхши banda бўлади.

Қуръонни ўрганиш – улуғ иш. Бу одамдан қунт, истеъдод ва сабр талаб қиласди. Юқорида айтилганидек, Қуръонни ўрганган одам энг фазилатли ҳисобланади. Бироқ Қуръонни ўрганиб, уни бошқаларга ҳам таълим бериш фазилатига бирон нарса ета олмайди. Бу ишнинг мукофоти нима ва қанчалигини фақат Аллоҳ билади. Бандалардан талаб қилинадиган нарса Қуръон йўлида хизмат қилиш. Унинг мукофотини Аллоҳ беради.

«Абу Абдураҳмон Усмон халифалиги давридан Ҳажжож хукмронлигигача Қуръонни таълим берган. У: «Мана шу ҳадис мени бу ерга ўтиришимга сабабчи бўлган», деган».

Демак, ҳадис ровийси Абу Абдураҳмон Суламий Ҳажжож Ироққа волий бўлгунига қадар Қуръон таълими билан шуғулланган.

Бу ҳадисга биринчи бўлиб Суламийнинг ўзи амал қилган ва мазкур фазилатга эга бўлиш учун узоқ муддат одамларга Қуръонни ўргатган. Ибн Ҳажар айтади: «Усмон халифалигининг аввали билан Ҳажжож волийлигининг охири ўртасида уч ой кам етмиш икки йил бор. Усмон халифалигининг охири билан Ҳажжож волийлигининг аввали ўртасида ўттиз саккиз йил бор, лекин мен Абу Абдураҳмон қачондан бошлаб қайси муддатгача Қуръонни таълим берганини аниқлай олмадим. Буни фақат Аллоҳ билади».

Ривоятларда келишича, Абу Абдураҳмон Суламий Қуръонни беш оят-беш оятдан ўргатарди. Сабаби Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийни беш оятдан олиб келар эди.

Абу Абдураҳмон Суламий Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръонни ўрганиб, сўнг уни (бошқаларга) ўргатганлар сизларнинг афзалларингиздир», деганлар. (Бухорий, Ибн Можа, Аҳмад ва Байҳақий ривояти).



NUBUVVAT MARVARIDLARI